



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 144 (8134).

30 июль
шанба
1983 йил

Баҳоси 3 тийин.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида ВЦИК Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Я. Кадрар бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси партия-хукумат делегациясининг СССРга қилган визити ахборотлари муҳокама этилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси шуни мамнуния билан қайд этдики, бўлиб ўтган учрашулар вақтида ҳар иккала томон партиялар ва давлатлар ўртасида, совет халқи билан венгрия халқи ўртасида қардошларча муносабатларни бундан бундан ҳам ривожлантириш ҳамда мустақамлашга азму қарор берганлиги яна бир бор таъкидланганлиги визитнинг асосий натижаси бўлди. Чўқур ўзаро ишонч, иттифоқчилик алоқалари, ҳозирги замоннинг барча асосий масалалари юзасидан қарашларнинг ўзла бирлиги ана шу муносабатларнинг негизидир.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси визит чоғида олиб борилган музокара-ларни, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ўртоқ Я. Кадрар билан суҳбатини, иккала партия ва давлат раҳбар ар-бобларининг мулоқотларини маъқуллади. Бунда шу нарса таъкидландики, визит натижалари социалистик ва коммунистик курашнинг янги-янги муваффақиятларига қўмаклашади, партияларо алоқаларни янада ривожлантириш учун, СССР билан ВХРнинг сиёсий, иқтисодий, идеологик ва маданий ҳамкорлигини чўқурлаштириш учун муҳим омил бўлади.

Визит вақтида ўтказилган учрашулар ва суҳбатлар ҳар иккала томон кўчайиб бораётган ва АҚШнинг ҳамда НАТОга аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг агрессион кучлари авж олдирадиган ҳарбий ҳафс-хатар йўлига ҳов солиш, халқро азиятини соғломлаштириш, ғалик ва баб-баравар ҳафсизлик адолатли принциплари асосида қуролсизланиш юзасидан социалистик мамлакатлар олға сураётган программанинг амалга оширилишига эришиш учун бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда ҳамма ишни қилишга азму қарор берганлигини мамонийш этди. Мустақам тинчликни сақлаб қолшдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Мана шу буюк мақсад йўлида коммунистларнинг, ер юзидан барча тараққиётлар, демократик ва тинчликсевар кучларнинг интернационал бирдамлигини мустақамлаш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси биринчи ярим йилдаги халқ хўжалигини ривожлантириш ахборотлари ҳамда мамлакатини 1983 йилда иқтисодий ва сиёсий ривожлантириш ланини муваффақиятли бажаришга доир ишларни янада кўчайтириш тадбирларини кўриб чиқди. Партия билан давлат амалга ошираётган иқтисодий, социал ва таъкилий тадбирларни ша-ҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари батамом қўллаб-қувватламоқдалар.

Мажлисида мамлакат иқтисодиётида муайян ижобий тенденциялар пайдо бўлганлиги қайд этиб ўтилди: умумий иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланди, шу кўрсаткичларнинг бир қанчаси юзасидан эришилган натижалар план топшириқларидан охиб кетди, саноатда ярим йиллик ланини барча министрликлар ва иттифокдош республикалар бажарди. Қишлоқ хўжалигида ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан кўклагми дала ишлари бирмунча қисқа муддатларда ўтказилди, чорва, паррада, сут, туҳум ва эр-таги савабот етиштириш ҳамда уларни харид қилиш қўлайди. Меҳнаткашларнинг гайрат-шижоати ва сиёсий активлигини кўчайди, бу эса ишдаги иттизом ва ушқоқлик, хўжалик ва маданий курашнинг вазифаларини ҳал этишга ижобий таъсир ўтказмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси визит билан Францияга бориб келган СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети ташқи ишлар комис-сиялари делегациясининг фаолиятини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросининг мажлисида бошқа баъзи масала-лар ҳам кўриб чиқилди.



КЕЧА МОСКВАДА РСДРП ИККИНЧИ
СЪЕЗДИНИНГ САКСОН ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС
БЎЛИБ ЎТДИ

КРЕМЛДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Планетамиздаги коммунистлар, бутун тараққиётпарвар жамоатчилик ҳозирги кунда Ленин партиясининг сарвасмалари — РСДРПнинг иккинчи съездида назар солмоқдалар. РСДРПнинг иккинчи съезди Россиядаги революцион марксистик ташкилотларини В. И. Ленин томонидан илгари сурилган ғоявий, сиёсий ва таъкилий принциплар асосида бирлаштиришни ниятисига етказган кунлардан бундан саксон йил ўтди.

Доҳининг съездеда ўзи ташкил этган социалистик революция партиясида мужас-самлаштирилган ғоялари КПСС ривожланаётган, жаҳон коммунистик ҳаракати мустақамланаётган негиз бўлди ва

шундай бўлиб қолмоқда. Янги типдаги партиянинг — большевиклар партиясининг буюк фаолияти инсоният тарихида янги давр очди, янги коммунистик цивилизация пойдеворини қурди.

Улуғ Ленин партияси саксон йилдан бундан тинчлик ва коммунизм ишига фидокорона хизмат қилиб келмоқда. У марксча-ленинча назарияни ижодий тарзда ривожлантириб, омма билан алоқани доим мустақамлаб, янги ҳаёт сари коммунистик билан йўл очиб бормоқда. КПСС раҳбарлигида ривожланган социалистик жамиятни барпо этган бизнинг мамлакатимиз жаҳон коммунизм системасининг таркибий қисми бўлиб, Улуғ Ленин чизиб берган

йўлдан коммунистик билан олға бормоқда. Партия билан халқнинг энгилмас бирлиги совет жамияти куч-қудратининг, социалистик Батан равақининг манбаи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолвереди.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, совет кишии тўғрисида, унинг турмушини яхшилаш, уни ҳар томонлама камол топтириш ҳақида, коммунизмни барпо этиш учун тинч шароитларни вужудга келтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия фаолиятининг асосий моҳияти, тўб мазмунидир. КПСС учун тинчликни сақлашдан, янги жаҳон урушининг олдини олишдан ҳам муҳимроқ нарсас йўқ.

29 июль кунин Москвада, Катта Кремль саройида партия, Совет ва жамоат ташкилотларининг, Москва меҳнаткашлари вакилларининг РСДРП II съезди 80 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Залда пойтахт ишчилар синфининг, Москва область меҳнаткашларининг вакиллари, партия ветеранлари, олимлар, маданият арбоблари, Совет Армияси жангчилари ўтириб-дилар. Социалистик мамлакатларнинг дипломатик ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳозир бўлдилар.

Тантанали мажлис қатнашчилари Г. А. Алнев, М. С. Горбачев, Г. В. Романов, Д. Ф. Устинов, В. И. Воронников, Б. Н. Пономарев, М. В. Зимья-

нин, К. В. Русаков, Н. И. Рижков ўртотларини давомий қар-саклар билан кутиб оладилар. Президиумда улар билан бир қаторда мажлис ахли са-имийи кутиб олган Вьетнам Коммунистик партияси Мар-казий Комитети Бош секретари Ле Зуан, Монголия Халқ ре-волюцион партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Монголия Халқ Республикаси Буюк Халқ Хурали Президи-умининг Раиси Ю. Цеденбал ўтирибдилар.

Президиумда Ленин партия-сининг ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотла-рининг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалиги илгирлари, фан ва маданиятнинг таниқли арбоблари, ҳарбий бошлиқлар ҳам бор.

Тантанали мажлисини КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Р. Ф. Деметьев очди.

Ўртоқ Ю. В. Андропов бош-чилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

«Революцион ҳаракат пар-тияси» деган мавзуда доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимьянинга сўз берилди.

Доклад эътибор билан тинг-ланди ва бир неча бор қар-саклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис ёпиқ де-элон қилинади. Залда «Ин-тернационал» садопаринг ян-гайди.

[ТАСС.]

РЕВОЛЮЦИОН ҲАРАКАТ ПАРТИЯСИ

РСДРП II съездининг 80 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган тантанали мажлисида ўртоқ М. В. ЗИМЯНИН доклады

Ўртоқлар! 80 йил илгари Россия социал-демократик ишчи партиясининг II съезди бўлиб ўтди. Уша вақт-да, XX аср тоғида бу во-қеанинг буюк маъносига камдан кам киши муносиб баҳо бера олар эди. Аммо ўш беш йилдан камроқ вақт ўтти билан съезд чиқиқ-тирган ленинчи большевик-лар партияси Россия ишчи-лар синфини, меҳнаткашла-рини биринчи зафарли со-циалистик революцияга олиб келди. Бу революция жа-ҳон тарихининг янги даври-ни бошлаб берди.

Большевиклар партияси миқёслари жиҳатидан ҳам, чўқурлиги жиҳатидан ҳам мисли қўрилмаган ва эски жабр-зулм жамиятини та-ғотири билан ларзага келти-риб, янги, социалистик ци-вилзация пойдеворини қу-ришга социал революцияни тайёрлаш ва унга бошчилик қилишга қандай қилиб эри-ши? Ҳозирги замон ша-ронтида ҳам бу саволга бе-

риладиган жавоб назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан ҳам қизи-қарлидир. Бу жавоб инсо-ниятнинг социал тараққиёти учун кураш проблемаларига бевосита алоқадордир.

«Хусусий мулкчилик ғоя-сини тутатиш учун, — деб таъкидлаган эди. К. Маркс, — коммунизм ғояси тамо-мила кифодир. Хусусий мулкчиликни ҳақиқатан ҳам тутатиш учун аса чи-накам коммунистик ҳаракат талаб этилади». II съезд-да тузилган Ленин партия-си чинакам коммунистик ҳа-ракат партияси бўлди. У ҳозирги кунда ҳам шундай партиядир.

Революцион давомийлик КПССнинг фаолиятини унинг ғоявий ва таъкилий асосла-ри билан, чинакам револю-цион сиёсатдан ажралмас ленинча, большевиклик аҳ-лоқ принциплари билан ча-барчас боғлайди. Буларнинг ҳаммаси совет коммунистла-ри учун доим буюк ғайрат ва ижод манбаи бўлиб хиз-

мат қилди, уларни мамлака-тимиз ҳаётидаги энг оғир пайларда оммавий қаҳра-монлик кўрсатишга илҳом-лантирди. Биз ҳозирги вақт-да ҳам принципиал жиҳат-дан янги вазифалар ва про-блемаларга дуч келганимиз-да партияимизнинг асосини қурган, Россия пролетариа-тига социализм учун ку-рашнинг бирдан бир тўғри йўлини кўрсатиб берган ки-шиларнинг тажрибасига ва жасоратига назар солимиз.

КПССнинг ҳаёти зафар-ларга бой, ғўшқини ва муай-ян мақсадларга қаратилган. Унинг илмий жиҳатдан си-наб қўрилган ленинча йўли илчил ва аниқ-равшан йўл-дир. Партия XXVI съезди-нинг, КПСС Марказий Ко-митети 1982 йил ноябрь Пленумининг қарорлариди мустақамлаб берилган бу йўл Марказий Комитет-нинг 1983 йил июнь Пле-нумида янада ривожлан-

тирилди. Коммунистлар, бар-ча совет кишилари бу Пленумнинг қарорларини яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Пленумнинг қарорлари мамлакатда сиё-сий активлик ва меҳнат гай-ратини юксак даражага кў-тарди. Партия ва халқ КПСС Марказий Комитети Бош секретари Юрий Вла-димирович Андроповнинг СССР Олий Совети Прези-диуми Раиси қилиб сайлан-ганлигини қизгин маъқулла-ди.

Ана шу муҳим сиёсий воқеалар партия билан халқ-нинг бузилмас бирлигини, уларнинг КПСС ленинчи Марказий Комитети унинг ўртоқ Ю. В. Андропов бош-чилигидаги Сиёсий бюроси тевағатига жипслашганли-гини яна бир марта яққол намойиш қилди. Бу воқеа-лар партияимизнинг бунёд-корлик куч-қудратини, унинг Ленин ишига, Ленин байро-гига астойдил садоқатини яна бир марта кўрсатди!

дининг тарихий хизматидир. Ғарбий Европадаги барча ишчи партияларидан фарқи-ли ўларон бу программда социал революцияни амалга ошириш учун пролетариат диктатураси зарур эканли-ги оқиқ эълон қилинди. Программанинг аграр қисми-да пролетариатнинг меҳнат-каш деҳқонлар билан итти-фоқчи ленинчи ғояси, мам-лакатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини та-лаб қилиш соҳасида аса пролетариатнинг Россияда-ги маълум халқлар билан иттифоқини тувиш йўли аниқ равшан ифодасини то-пди. Съезд РСДРПни проле-тариат жаҳон армиясининг отрядларидан бири эканли-гини билдириб, партия про-летар интернационализми позициясида турлини қатъ-ий тасдиқлади.

Революцион кураш манти-қининг ўзи марказлашган, жанговар партиягина ишчи-лар синфининг чинакам сиё-сий ва ғоявий йўлбошчиси бўла олишини башорат қил-ди. Бу вазифани ҳал этиш партия сафарининг сифати-га бевосита боғлиқдир. Ле-нин ва ленинчилар РСДРП-нинг II съезида партияга аъзо бўлиш тўғрисидаги ма-сала юзасидан тутган при-нципиал позиция ана шундан келиб чиқади. Мартов ва унинг тарафдорлари «ўз эр-ки билан иш тутадиган» ҳар қандай шахслар партия аъ-зо-си бўлиш, деб таъкиф қил-ган эдилар. Лениннинг фи-рича, партия аъзоси онгли, иттизомли, сиёсий жангчи бўлиши керак, Ле-ниннинг нуқтаи назари тез орада бизнинг уставимизда узил-кесил қарор топди.

«Партия ташкилоти, пар-тия иттизоми ва ижоди-ни, партия байроғи деган тушунчаларни Ленин даъ-ват этганидек, тобора ю-ксак даражага кўтариш учун кураш партиянинг II съезидан бошланди ва бу партиянинг шундан ке-йинги бутун тарихида да-вом эттирилди. Лениннинг унинг тарафдорларининг фао-лият асос қилиб олинганли-гини принциплар тўғрисида гап борганида имони заиф бўл-ган шахслар, ревизионист-ларга, буржуа миллатчилар-га зарба бериб, марксизм-революцион ғояларини қат-тиқ туриб ва қатъий равиш-да, охиригача қандай ҳимоя қилиш кераклигини ёрқин кўрсатиб берувчи намуна-дир.

Большевизм ҳар қандай ижобий оппортунистлар-га қарши мурасасиз кураш-да куч тўплаб чинийди ва мустақамлашди, револю-цион, озодлик ҳаракатида соғлом фикр юритувчи соф

виждонли кишиларнинг ҳам-масини ўз томонига жалб этди.

Меньшевиклар ва бошқа оппортунистларнинг II съезд-даги ҳужумлари аслида пар-тиянинг ғоявий ва таъкилий асосларига ва аввало, ке-йинчалик демократик цен-трализмининг аниқ принци-пларига, партияимиз ҳаёти-нинг дахлсиз нормаларига айлантирилган негизларига қарши қартилган эди. Боль-шевиклар тўғ «бланкистлар» ташкилотини тузмоқдалар, деб большевикларни айб-лаш, ҳамма ишда партия-вийликка риоя қилишдан воз кечиш замирида фақат бир нарсас — пролетариат-нинг авангарди деган оғир бурчни ўз зиммасига олиш-дан қўққиб, партиянинг зарбдор, ушшган куч-қудра-тини заифлаштиришга инти-лиш яшириниб ётар эди.

Оппортунистлар ва ре-визионистлар ҳозирги кун-да ҳам марксча-ленинчи партияларнинг асосий таъ-килий принципларига — демок-ратик централизмга ҳужум-ни давом эттираётганлигини кўриб турибмиз. Улар бу принциплар партия ички де-мократиясини кеңг ривож-лантиришга, партия билан халқ оmmas ўртасида тўғри ўзаро муносабатлар ўрни-тишга ҳаётлиқ берувчи асо-сий ғоя деб кўрсатишга уринадилар. Улар бу билан шу аср бошида Россияда бўлган оппортунистлардан сира ҳам фарқ қилмайдилар. Ҳаётнинг ўзи ана шу оппортунистларнинг қараш-ларини улоқтириб ташлаган эди.

Партиянинг программ ва таъкилий асосларини ишлаб чиқиш нуқтаи назаридангина эмас, унинг амалий револю-цион стратегияси ва такти-касини ҳам ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан РСДРП II съезди мислсиз катта аҳамиятга эгадир. Ленин, большевиклар съездеда ре-волюцион курашнинг муваф-фақиятини таъминлайди-ган асосий нарсани — про-летариат гегемониясини ўр-натилиш илчил ҳимоя қил-дилар. Улар партияни ишчи-лар синфининг авангарди, деб ҳисоблаш билан бир-та унинг эксплуатация қили-нувчи ҳамма кишиларнинг, барча меҳнаткашларнинг ҳи-момчиси, улар курашнинг ташкилотчили эканлигини ҳам тасдиқладилар. Больше-виклар бу билан ўзларининг биринчи қадамларидан-ноқ уч революция оловиди-ўзларига эргашиб, самодер-жавие ва капитализм қалъ-асини штурм қилдиган ом-марий армияни тайёрлади-лар.

(Давоми иккинчи бетда).

ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ГАВАНА. 29 июль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети ҳузури-даги Партия контрол-ком-итетининг раиси М. С. Соло-менцев бошчилигидаги СССР партия-давлат делегацияси бу ердан Ватанга жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси, КПСС Москва область ком-итетининг биринчи секр-

тари В. И. Конотон, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССРнинг Куба Республи-касидаги элчиси К. Ф. Ка-тушев бор. Делегация Куба Компартияси Марказий Ко-митети, республика Давлат Кенгаши ва Министрлар Советининг тақлифига бино-ан миллий қўғоғолон кунин — Моннада казармаси штурм қилинганлигининг 30 йил-лиги муносабати билан ўт-казилган тантаналарда қат-нашди.

Аэропортда делегацияни

Куба Компартияси Марка-зий Комитети Сиёсий бю-росининг аъзоси, Куба Ко-партияси Гавана шаҳри ви-лоятдаги иккинчи бюроси-нинг биринчи секретари Х. Камачо Агилера, бошқа рас-мий кишилар қузаатиб қол-дилар.

Москва аэропортда деле-гацияни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воронников, бошқа расмий кишилар ку-тиб олдилар.

(ТАСС.)

ҲАРБИЙ ДЕНГИЗЧИЛАР БАЙРАМИ

28 июль кунин М. В. Фрунзе номи Совет Армияси Мар-казий уйда Москва меҳнаткаш-лари вакиллари билан пойтахт гарнизони жангчиларининг СССР Ҳарбий Денгиз Флоти кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети-нинг бўлим мудирини Н. И. Са-винкин, бир қанча министрлик-

ларнинг раҳбарлари, СССР мудоффаа министрлигининг ўрин-босарлари, таниқли ҳарбий бошлиқлар, Ҳарбий Денгиз Флоти ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотла-рининг вакиллари президиум-да ўтирибдилар.

Ҳарбий Денгиз Флоти бош-қумондонин СССР мудоффаа ми-нистрининг ўринбосари Совет Иттифоқи флотин адмиралк

С. Г. Горшков йиғилишда нутқ сўзлади.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ю. В. Андропов номига ба-ланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС.)

(Давоми 3-бетда).

УММОНЛАР БАҒРИДА КЕЧГАН ҲАЁТ

Суҳбатдошимиз авайлаб-асраб келаётган ҳужжатлардан бирини қўлимизга тутди. Фрунзе номли, Ленин, Қизил байроқ, Ушаков орденли олий ҳарбий денгиз ўқув юрти бошлиғи имзо чеккан махсус бўй-руқдаги қўйидаги сатрлар диққатини тортди:

«Харбий Денгиз флоти Бош қўмондонининг 1981 йил 25 ноябрдаги буйруғига кўра катерда сузишни ўргатувчи дивизион командири, 2-ранг капитани Ғулом Қўрбончинов Ҳажиматов ҳарбий форма кийиб юрти ҳуқуқи билан истефого чиқарилиди. Унинг ҳарбий Денгиз кучлари сафидаги узаллиги 30 йиллик хизматлари ҳар қанча таҳсин ва ҳурматга сазовордир...»

Ғулом Қўрбончинов аслида ўзбекистонлик, Тошкент обла-стнинг Оржоникидзе рай-онидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозида туғилиб, вояга ет-ган. 1951 йилда Қиёрайд-аги ўрта мактабни муваф-фақият билан тугатган, район ҳарбий комиссариатининг таъсис билан мамлакатим-из Қўрғоли Кучларининг жанговар қўшини тури — Ҳарбий Денгиз флотидида хиз-мат қилишга сафарбар этил-ди. Шу тариқа оддий меҳ-наткаш оиласидан чиққан ўзбек ўғлонининг ҳарбий фаолияти бошланди. У Бо-кудаги С. М. Киров номи олий ҳарбий денгиз ўқув

юртида таҳсил олгандан сўнг умр бўйи Қизил байроқли Шимолий Денгиз флотиди, Кронштадтда, Ленинградда ўз бурчини шараф билан ўтади. Қўрбончинов дивизион ко-мандири лавозимигача бўл-ган турли вазифаларда ҳа-лол хизмат қилди. Болтиқ денгизида 20 йилдан ортиқ сузиб, иккинчи жаҳон уруши асоратларини афқотиш иши-да фаол иштирок этди. Ден-гиз остида ёрлмай қолган, занг босиб кетган, аммо ҳар лаҳзада инсон ҳаётига ҳавф-хатар солиб турадиган 300 ки-лограммлик минерални излаб топиш, ниҳоятда аҳтиёткор-лик билан уларни зарарсиз-ландириш ҳамда портлатиб қўштиришдек оғир вазифалар билан машғул бўлиш айтиш-га осон, ҳолос. Лекин қан-дай бўлмасин ниҳоятда маъсулиятли бу жанговар тошпириқларининг тўрт фаслида, турли об-ҳаво шар-оитларида бажаришга тўғри келарди. Бунинг учун юксак ирода эгаси ва ўта сабр-то-қатли бўлишнинг ўзинга на-қил қилмайди. Балки ўз кўл остидаги солдат-офицер-ларга оқилона раҳбарлик қи-ла билиш, бўлинида ҳам-и-ша кўтаринки кайфияти бў-лишга эришиш ҳам зарур.

Табиатан камгап ва ва-змин Ғулом Қўрбончинов ҳар-бий денгиз флотидида хиз-мат йилларини мамуният билан ёдга олади:

— Мен ўзини ҳозир ҳам

жанговар сафда деб ҳисоб-лайман. Денгиз шовқини, пўртаналар, сув кемалари-нинг бешикдек тебраниши, бир лаҳза бўлсин кўзим ол-дидан кетмайди. «Кемага тушганимни жони бир» де-ганларидек турли миллат фарзандларининг 11 вакили ака-укалардек аҳил хизмат қиларди. Молдавлик Да-нилеску, грузиялик Раиш-вили, украинлик Петренко, қирғизистонлик Дүйсенов, ўзбекистонлик Тошқулов, Аминовлар ўзларидидаги жа-сурлик, шижоаткорлик фази-латлари билан алоҳида ҳур-матга сазовор бўлган йигит-лар эди. Айниқса, менинг сиёсий ишлар бўйича ўрин-босарим, рус йигити капитан-лейтенант Владимир Пера-шов жуда ажойиб ташкилот-чилиги, тиниб-тинчимаслиги

билан барчамизга ўрнатқур-сатарди. Шу босидан ҳам биз олдиндаги қўйилган ҳар қандай оғир вазифани аъло даражада бажариш шарафи-га муяссар бўлардик. Наза-римда, ҳаммамизни бирлаш-тирган буюк куч замирида биринчидан, дўстлик, итти-фоқлик, она-Ватанимизга нисбатан бўлган чекиз меҳр муҳаббат, садоқатимиз бўл-са, иккинчидан, улғур рус тилини ардоқлаб, эълолаш-миз — ўз ифодасини тошгадай эди. Шунинг учун СССР Ҳарбий Денгиз флоти саф-ларида хизмат қилаётган барча дўстларимизни аввал рус тилини астойдил ўрга-нишга даъват қиламан.

Кейин офицер, тажрибали командир Ғулом Ҳажиматов шу кунларда Ўзбекистон ССР Савдо — индустрияда маъсул вазифада самарали меҳнат қилмоқда. Биз уни анганавий байрам билан дил-дан қўтлаб, ишларида зафар-лар тилаймиз.

И. РАҲМОНОВ,
медицина хизмати пол-ковниги.

Қизил байроқли Шимолий флот жангчилари Улғу Ватан уруши йилларида душманининг 200 дан ортиқ ҳарбий кемалари ва 400 га яқин юк ташувчи сув транспорти восталарини денгиз тўбига қўштириб юборишди. Заполарье осмонларида эса 1300 дан ортиқ душман самолётини ҳалокатга учратдилар. Ана шу қаҳрамонликлари замига Шимолий флотчилардан 48 минг кишига СССР ордени-медаллари тошпирилди, 85 ки-ши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. 3 киши эса бундай юксак мукофотга икки мартадан сазовор бўлди. Бугунги кунда Шимолий флотда хизмат қилаётган солдат-офицерлар ҳам уларнинг ҳарбий шон-шухратини ша-раф билан давом эттирмоқдалар.

Суратда: Шимолий флотчилардан катта лейтенант А. Ко-нонович, 1-ранг старшиналари ака-ука Сергей ва Андрей Маланкилар.

С. МАЙСТЕРМАН ФОТОСИ.
ТАСС фототехникаси.



НОН-ИМОН
Мақола ва
газет хонлар
муҳаббатларида

КАТЪИЙ ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАШ КЕРАК

ЕЗУВЧИ Ўткир Ҳошимов ўз мақоласини «Нон-имон» деб жуда тўғри айтибди. Ҳақиқатан ҳам имони бор одам нонни ҳор-зор қилмай-ди, нонни хўрлаган имонсиз, диёнатсиздир. Мен ҳам «Нон одамдан азиз бўлибди» деган галли кўп эшитганман. Афсуски, шундай тушунча-даги одамлар оғир, машақ-катли кунларни, ўтмишнинг унутти қўйишган. Баъзи ёш-лар бўлса на тарихни били-шадн, на унга қизиқишадн.

Улғу Ватан уруши бош-ланганида тўрт ёшда эдим. Отам фронтга жўнади. Онам Тахтапуддаги касалхонага сўпурувчи бўлиб ишга кир-ди. Биз олти фарзанд она кўлига қарам эдик. Бир ку-

ни кичик сингличамиз вафот этди. Унинг жонсиз кўлида бир бурда нон егилмай қо-либ кетди. Одатга кўра бу нонни еб бўлмасан, биз уни кўлидан олиб бўлишидик. Кейин маълул бўлишча сингличамиз оч-наҳор юриш тубайли силласи қўриган, бу эса ичкаларини нидан чи-қарган.

Дадам урушдан омон-эсон қайтди. Бироқ оғир кунлар ҳамон давом этарди. Бугдой, арпа, жўҳори, сули, в ёқда турсин, дадам сўпурчи до-нини аранг топиб келарди. У-нда суюқ ош, толқон тайёр-лаб ердик.

Мана шу хотиралар ту-байли бизнинг оиламида нонга ҳурмат-эъзоз ҳамиша

ЭНГ АРДОҚЛИ...

Ўткир Ҳошимовнинг нон ҳақидаги мақоласини ҳажжон ва натибод билан ўқиб чи-қдим. Унда келтирилган иб-ратли гаплар ва воқеаларни бошқаларга ҳам етказиш учун ташкироти йўл олдим. Қўчада Улғу Ватан уруши ва меҳнат ветерани, кишло-ғимизнинг ҳурмати қария-ларидан бири Абдураим ота Оққўлов келаётган эканлар. Уларга қўлидаги газетда

лон ҳақида айтилган гаплар-ни ҳикоя қила бошладим. Ота ҳам тўлкинланиб кетди-лар.

— Юртин болам, шу га-зетти чойхонада кўпчилики-га ўқиб беринг.

Чойхона гавжум эди. Мен мақолаини ўқидим, ҳамма диққат билан тингладн.

— Ажойиб замон бўлдида, ўқим, — дея гап бошлади сўнг Улғу Ватан урушининг

биринчи гуруҳи инвалиди Тўрабек Сулаймонов. — Ёш-ларимиз қийинчилик нима, очлик нима билмай ҳаёт ке-чиришадн. Биз катталар эса кўпича уларнинг нонни оёк-сиз қилаётганини кўриб кўрмаганликка оламиз. «Э-э-ма чол» дейишларидан чў-чиймиз шекилли. Газетда жуда тўғри масала кўтари-либди. Мен ана шу ёзувчи боламдан қаҳатчилик на уруш даврини ҳоҳири тўқин турмушимиз билан тақос-лайдиган «Нон — ҳаёт!» де-ган кино ёзишнинг илтимос қилардим. Қарияларнинг «алжирашига» кулоқ сол-майдиغان, қўлига китоб ол-майдиغان айрим олиффа ёш-лар зора ана шу киновни кў-риб кўзлари очилса.

— Жуда тўғри айтасан, Тўрабек, — дея уни қўнват-лади уруш катташчиси Бер-кин Абдурақулов. — Биз Ле-нинград шаҳрини 900 кун давомида неҳис газандалар-дан ҳимоя қилдик. Бир бурда нон деи тинка-малори кўриб, ҳаётдан кўз юмганлар шундоқ кўз олдимда. Ўзи-миз ҳам қўлимизга эса бў-ладиган нима тушса ердик. Лекин ҳеч бири бир бурда нон ўзини босолмасди.

Уларнинг гапини яна кўп-лаб қўллаб-қувватлаб, давом эттиришди. Ҳамма бир фикр-га келди: нонни ардоқлаш, унн исроф қилмаслик учун кўпчилик бир ёқадан бош чи-қариб, катъий курашмоғи лозим.

П. ЭРГАШЕВ,
Оққўрғон район радио-си редактори.



СПАРТАКИАДА ОДИМЛАРИ

28 июль кўни бўлиб ўтган мусобақалардан сўнг ана 7 та медаллар комплекти эга-ларини топи. Классик ку-раш бўйича икки вакилимиз Комил Фаткуллин ва Алек-сандр Барановлар команда-лига олтин ва кумуш ме-даллар олиб беришди.

Марҳамат, Спартакиада чемпиони билан танишнг: КОМИЛ ФАТКУЛИН. 1957 йилда туғилган. «Динамо» жамоити вакили. Бундан тўрт йил муқаддам ўтказил-ган СССР халқлари VII Спартакиадада ҳам че-мпонлик шохсусигага кўн-кирилган эди. Спорт билан са-нги йилдан бери шуғулланади. Утган йили Тошкент Давлат университетининг юридик фа-культетини тамомлади. Ёш-лигидан Ўзбекистон спортни доврғини таратган ака-ука Курбат Рифат ва Абдула-жид Абдиевларга ҳавас келарди. Яқиният йўли-да Абдулжамид Аббаевага шогирдликка тушди. Оруз-си-га эришди. Мана бугунги кунда устои забот этмаган марраларини эгаллаб, ўз со-ринлари сафига Спартакиада-нинг олтин медалини ҳам қўшишга муваффақ бўлди.

82 килограммга вазили полвоилар орасида А. Баранов кумуш медалга эга бўлди. Рустан Қўратов 68 кило-граммга вазилилар ўрта-сида тўртинчи ўринни олди. Классик курашчиларимиз 125 очко билан умумий сак-кизинчи ўринни эгаллашди.

● ЧИМ УСТИДА ХОК-КЕИ. Медаллар учун даъво-гарлик қилаётган тўрт ко-манда ўртасида ярим финал ўйинлари бўлиб ўтди. Мос-ква — Ўзбекистон — 5:0. Қозғистон — РСФСР — 3:1. Шундай қилиб чемпион-лик учун финалда Москва — Қозғистон командалари, бронза медали учун Ўзе-бекистон — РСФСР коллек-тивлари ўйнади.

Редактор ўринбосари
С. Ғ. МУСАЕВ.

С. ҲАсанов.

«ҚАНОТЛИ» ШИФОКОРЛАР ФАОЛИЯТИДАН

Уша кўни Бўстонлик рай-онинг Қоронги тўқай метеоро-логия станциясидан келган радиогрэмма област санита-рия авиацияси ҳодимларидан теозорлик ва ҳозиржавоблик-ни талаб этарди: «Зудлик би-лан ёрдам беринг, қўпоз За-бибулла Жалиловга аввайи навоас ҳужум қилган. Аҳоли-ни нидоюда оғир. Қоронги тў-қай».

Санавиация бошлиғи Босит Қодировни Қодиров кўрсата-си билан диспетчер Мостура Эргашева ўша заҳотик олис зоналарга учиб бўйича на-вбатчи хирурт, Тошкент шаҳри-даги 15-поликленик шифоко-ри Ҳамид Ибрагимовни Юсу-пововга воқеани маълум қил-ди.

Орадан кўп ўтмай Ҳамид

У Я Ш А Й Д И!

Ибрагимовични НИ-8 вертолёт-и экипажни кўтиб олиб, пар-воз қилди. Соат 12.00. Ҳарорат 40 даражадан юқори. Учувчи Рудольф Степановичнинг:

— Қоронги тўқай ер сатҳидан 2,5 километр баландликка жойлашган. Ҳаво шийраклиги анча сезилади, ўзимизни руҳан ҳозирласак машаққат унча-лик билинмайди, — деган сўз-лари жимлини бўзди.

Рухан-ку тайеримиз, — деди шифокор ўйчан ҳолда, — тоғ-ли зоналарга кўп марта учим-га тўғри келган. Фақат тевроқ етмишни ўйлабман. Фурсатни бош бермаслик керак.

Завороти тоғлар ён бағрида узун банд ёнчага олиб кў-нганлар оқ мато хиллаиб кўз-га ташланди.

— Ётиб келдик.

Иккинчи учувчи Александр Васильевичнинг овозида нега-дир қатъият сезилмас, киефа-

си ҳам тунд эди. Вертолёт-и пастлаш билан бу ташвишли руҳ анчада оқинлашди. Воқеа поселадан анча узоқда содир бўлган эди. Елғизоқ йўл ёка-сида қўйилган раскладушкада бемор ётар, одамлар эса унинг устида ўймалашарди. Биринчи айланмида вертолёт қўниши учун кулай жой топи-мади. У ана баландлаб кетди. Вақт ўтиб борарди. Ён бағри ўқирлиб тушган ҳоа устидида кенглиги икки бўйра келадиган текислик устига қўнишга қарор қилинди. Лекин майдон-ча устига соябон бўлиб турган тоғ ёнбоши вертолёт парра-ларни учун ҳавф тудирарди. Узоқдан бир текисда пастлаб бориш, бир амаллаб шалқан остига охиста киришдан бошқа илож йўқ эди. Англик, махо-рат, ахтиёткорлик. Ёрда олдий бўлиб эшитиледиган бу сўзлар-нинг маъноси у ерда бошқача

жаранглари. Қолаверса ана шу уч сўз қудрати пўлат қуш-ни астагина «ининга жойла-ди. Эшин очилиши билан врач бемор томон югурди. Унинг аҳоли жуда оғир эди.

— Раскладушка билан бирга вертолётга, — деди шифокор қатъий оҳангда.

Кейин ўз бўйруғи ўзи учун ҳам тегишлидек биргаликда касални кўтаришга қўмқлаш-ди. Вертолёт келган йўлга қайтди. Ҳамид Ибрагимович касал ёнида бўлиб, зарур му-ложаларни қилиб борарди. Манзил аниқ бўлгани учун машина энди тевроқ учарди. Роса бир соатда бемор Сер-геи майдончасида кўтиб тур-ган тез ёрдам машинасига олindi. Уни област касалхо-насида бош врач Матлуба Фаёзуллаева неқвозида бош-лик мутахассислар гуруҳи

қарши олди. Тевра республи-ка ортопедия ва травматоло-гия институтидан тақлиф қи-линган профессор Н. Ш. Шо-матов ҳам бемор ҳузурига етиб келди. Инсон ҳаёти учун кураш шифохонанинг ўзида беш соатдан ортироқ давом этди. Халоскорлар операция-и хосиёдан чиққанлариде нав-батчи ҳамшира Қоронги тў-қайдан беморнинг аҳолини сураб радиогрэмма келги-лигини маълум қилди. Врачлар профессорга ўйчан нигоҳ би-лан боқишарди.

— У аяшайди, деб ҳаба-р қилинг, — деди профессор.

Шу йилнинг 17 июль кўни ке-курин «У аяшайди» деган тўқин Қоронги тўқайнинг мусаффо осмони узра баралла янгра-ди.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН
МТ-1. 9.00 — «Время». 9.50 — Спорт ахбороти. 10.05 — Спортлотвонинг 31-тиражи. 10.15 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.45 — «Ер маъзи». Кўп серияли телевизион ба-дний фильм. 4 серия. 11.50 — «Кўп-лаб сифатли тоғларлар етди»

либ берайлик». 12.20 — «Ин-сон. Ер. Қонот». 13.05 — «Ка-малак». 13.35 — «Ғолиблик». 15.05 — «Дунё воқеаларини». 15.20 — СССР халқларининг эғзи ВЛКСМ Спартакиада. 15.50 — «Мўжизасиз-муъжизалар». 16.50 — Сибей шайхловчи Л. А. Вознесенский сўхоти. 17.20 — Грузияда 8. В. Мая-ковский кўнлари. 17.55 — Те-левизион ҳужжатли фильм. 19.05 — «9-студия». 20.05 — «Она садоқати». Бадний

фильм. 21.30 — «Время». 22.05 — Спорт ахбороти. 22.20 — Концерт. 23.50 — Янгилликлар. МТ-11. 9.00 — Эрталабки гим-настик. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 — Ҳуж-жатли фильмлар. 10.25 — «Тонгги почта». 10.55 — «Биз БАМни қурлаймиз». 11.25 — Спорт ахбороти. 12.10 — «Ул-мас кўшиқ». Телевизион ба-дний фильм. 13.25 — САРАТОВ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИ-НИНГ ПРОГРАММАСИ. 14.25

— СССР халқларининг эғзи VIII Спартакиада. 14.55 — «Буюк халқ ҳақиқати» Кўп се-рияли телевизион ҳужжатли фильм. 4-фильм. 15.40 — Кон-церт. 17.25 — Болалар учун фильм. «Сен билан ёнма-ён». 18.35 — Л. Бетховен. «Беши-ки симфония». 19.05 — «Хотира бурчи». 19.35 — Мультфильм. 19.45 — «Музыкали киоск». 20.15 — Халқроқ обзир. 20.30 — «Тунингиз хайри бўлсин, кичикчонлар». 20.45 — «3до-ровье». 21.30 — «Время». 22.05 — «Сени кутамиз, қайтиб кел». Телевизион бадний фильм. 23.30 — Спорт гимнастикаси. УТВ-1. 10.00 — Янгилликлар. 10.10 — Телевизион мине-турлар театри. 10.55 — «Бир-га бўлсак ҳаммамиз». 11.25 — «Ленин Польшада». Бадний фильм. 13.00 — «Инсон ва табиат». 13.30 — «Улғубек ҳазинаси». Кўп серияли видео фильм. 5 серия. 14.30 — Со-вет киноси усталари. 17.00 —

«Дўстлик экранни». 18.00 — Мультфильм. 18.20 — Концерт. 18.50 — «Кўраш ва галабалар-нинг қаҳрамонна йўли». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Муль-типанорама». 20.30 — «Ахбо-рот». 20.50 — «Шанба таро-наларини». 21.30 — «Время». 22.05 — «Мустаҳкам озуқа базиси учун». 22.25 — «Дав-ремизга марҳабол». ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

«Дўстлик экранни». 18.00 — Мультфильм. 18.20 — Концерт. 18.50 — «Кўраш ва галабалар-нинг қаҳрамонна йўли». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Муль-типанорама». 20.30 — «Ахбо-рот». 20.50 — «Шанба таро-наларини». 21.30 — «Время». 22.05 — «Мустаҳкам озуқа базиси учун». 22.25 — «Дав-ремизга марҳабол». ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОМУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент — П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транс-порт — 325749, қишлоқ хўжалиғи — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, мадани-ят ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

